БУГУН ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ–МОСКВАДА, КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVI СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 42 (4440).
23 ФЕВРАЛЬ, 1961 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЛЕНИНЧА СИНАЛГАН ЙЎЛДАН

У. У. УМАРОВ,

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Барча совет кишиларининг, бутун прогрессив инсониятнинг нигоҳи бугун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди ўз ишини бошлаган Москвага— Кремль Съездлар саройига қаратилган. Бу иш тиғиз, ижодий иш бўлади. Совет коммунистларининг кўп миллионли армияси вакиллари КПСС XXV съездидан сўнг партия ва халқ босиб ўтган йўлга якун ясайдилар, тўпланган тажрибани умумлаштирадилар, коммунизмга томон ҳаракатимизнинг янги истиқболларини белгилайдилар.

Бизни ўтган съезддан беш йил ажратиб турибди, холос. Партия ана шу давр ичида жамиятга сиёсий раҳбарлик борасида жуда катта тажриба тўплади, унинг ҳаётнинг барча соҳаларидаги ташкилотчилик ва сафарбар этувчилик роли ошди. Босиб ўтилган йўл якунлари мамлакат ичида ва халқаро миқёсда партия сиёсий йўлининг ҳаққонийлигини янги куч билан тасдиқламоқда. Ленин партияси раҳбарлик қилаётган совет халқи XXV съезддан сўнг экономика ва маданиятни ривожлантиришда, инсон фаровонлигини оширишда йирик муваффақиятларни қўлга киритди. Ўз вазифаларининг миқёси, динамизми ва мураккаблиги билан ўнинчи беш йиллик совет давлати тарихида энг йирик беш йиллик бўлиб қолди. Унда план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун коммунистларнинг етакчилик роли, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ҳар бир иш жойида сифат кўрсаткичларини яхшилаш резервларини муттасил ижодий изланишлари, айниқса ёркин намоён бўлди. Бугун амалга оширилаётган ва эртага амалга ошириладиган барча нарсалар учун уларнинг юксак шахсий масъулиятни сезишлари барча партия ташкилотларида, барча меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси муҳокама қилинаётган пайтда ҳам, план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, коммунистларнинг навбатдаги анжуманини муносиб кутиб олиш учун мусобақа янги куч билан кенг тус олганида ҳам намоён бўлди.

Тошкентликларнинг ўз меҳнатлари билан партия режаларини ҳаётга тадбиқ этиш учун гайрат-шижоат кўрсатишларида уларнинг КПСС ички ва ташқи сиёсатини, унинг Марказий Комитети, Сиёсий бюроси, тармоқлар юксак суръатлар билан ривожлантирилди. Бу —авиация, электрон, химия, электротехника саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва бошқа тармоқларнинг корхоналаридир. Уларнинг ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан ялпи салмоғи 52,5 процентга етди.

Ўтган йиллар масъулиятли вазифа — Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун курашда муҳим босқич бўлди. Шаҳар партия ташкилоти ана шу мақсадда ўз ишига янада қатъийроқ ва холисона қарашга, иш таъсирчанлигини оширишга, ўтказилаётган тадбирларни амалга оширишга меҳнаткашлар кенг қатламларини жалб этишга интилди. Уюшқоқликни оширишга, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий рухда тарбиялашни яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Ғоявий-тарбиявий ишлар самарадорлигининг ошиши социалистик мусобақани кенг тус олдиришга, меҳнатда ижодий ташаббусни ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам берди. Натижада беш минг ишлаб чиқариш илғори ва новатори икки беш йиллик топшириғини бажаришди. Ўн минглаб меҳнатчилар эса беш йилликни муддатидан илгари адо этишди.

Ўн биринчи беш йилликнинг бошланишида, КПСС XXVI съезди арафасида пойтахт корхоналарининг коллективлари янги социалистик мажбуриятлар қабул қилишди. Уларда меҳнат унумдорлигини янада ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, хом ашё, материал, энергетика ресурсларини иқтисод қилиш режимини кучайтириш ҳақида ғамхўрлик акс этган. Пойтахт области ва Тошкент шаҳрининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан тақдирланган тошкентликларда янги кучғайратни жўш урдириб юборди.


КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Тошкент ва область меҳнаткашлари вакилларининг ана шу мукофотларни топширишга бағишланган тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида Ўзбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари зафарларига юксак баҳо берди.

Ўн биринчи беш йилликда катта вазифалар турибди. КПСС XXVI съезди қонун кучига киритадиган асосий йўналишлар лойиҳаси мамлакатимиз олдида коммунистик қурилишнинг янги уфқларини очиб беради. Унинг ҳар бир бўлими, ҳар бир рақами ривожланган социализмнинг жуда катта бунёдкорлик имкониятларидан, партиямизнинг иқтисодий стратегияси олий мақсади халқ фаровонлиги тўғрисида, кишиларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтириш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун энг яхши шароитлар яратиш тўғрисида ғамхўрлик бўлгани ва шундай бўлиб қолажаги ҳақида ёркин гувоҳлик беради.

Буларнинг ҳаммаси партия ташкилотларининг барча ташкилотчилик ва сиёсий ишларини янада такомиллаштиришни, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини оширишда коммунистларнинг етакчилик ролини кучайтиришни талаб этади.

«Саксонинчи йилларда, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида, —Коммунистик партия бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни, меҳнат унумдорлигини кўпайтиришни, совет кишиларининг социал активлигини ва меҳнат ғайратини ўстириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил юксалтиришни, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун энг яхши шароитлар яратишни олий мақсад қилиб қўйган ўзининг иқтисодий стратегиясини амалга оширишни изчиллик билан давом эттиради».

Шак-шубҳа йўққи, Ўзбекистон пойтахтининг коммунистлари аввалгидек ўз олдиларида турган вазифаларни ҳал этиш учун барча тадбирларни амалга оширадилар ва ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақада етакчилик қиладилар, юксак онглилик ва ижодий ташаббускорлик намуналарини кўрсатадилар.



ХАММАСИ–ИНСОН УЧУН,

ИНСОННИНГ БАХТ-САОДАТИ УЧУН!

МУНОСИБ ТУҲФА

БУГУН

бригада коллективи ўз меҳнат календарида 1962 йилнинг февраль ойи ҳисобини очиб, коммунистлар анжуманига муносиб туҳфа ҳозирлади. Бригадир О. Орипов эса бугун шу йилнинг тўрт ойлик топшириғини бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Барча меҳнат коллективлари қатори заводимиз меҳнат аҳли, шу жумладан қимматбаҳо металлар цехи зирак участкасининг Одил Орипов етакчилик қилаётган 3-бригадаси аъзолари КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан қарши олдилар.

Ҳўш, бригада бундай ютуқларга қандай эришяпти?

Коллектив аҳил, иноқ, дўст. Унга 20 йиллик заргарлик тажрибасига эга бўлган «Ўзбекистон заргарлик саноати» бирлашмасининг «Ўзкасбининг устаси» Одил Орипов моҳирлик билан етакчилик қилмоқда. Бригаданинг ҳар бир аъзоси унинг шогирди ҳисобланади.

—Биз ишлаб чиқаришда энг илғор иш усулларидан фойдаланмоқдамиз,— дейди бригадир. — Шунингдек, вақтдан омилкорлик билан фойдаланамиз. Бу эса бизга сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва смена топшириқларини ортиғи билан бажариш имконини бермоқда.

К. ОТАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент заргарлик заводи ишчиси.

Съездга рапортдан сатрлар

ҚУРУВЧИЛАР:

«Главморчстрой»нинг «Трансгидромеханизация» трестига қарашли 482-қурилиш бошқармасининг иккинчи ва учинчи участкаси, бешта бригадаси бугун икки ойлик планни бажарди. 500 минг сўмлик ҳар хил қурилиш ишлари амалга оширилди.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР:

СССР қурилиш ишлари давлат комитетининг тадбиқлаш бюроси Ўрта Осиё филиалининг коллективи муқобил план ва оширилган социалистик мажбуриятни —икки ойлик топшириқни муддатидан илгари бажарди.

РЕМОНТЧИЛАР:

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли шаҳар хўжалиги объектлари капитал ремонти бошқармасининг ишлаб чиқариш комбинати иккинчи ойлик планни муддатидан илгари 19 февралда бажарди. 440 минг сўмлик товар маҳсулоти реализация қилинди. 450 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди. 30 минг сўмлик даромад олинди.

МЕТРОСОЗЛАР:

Тошкент метрополитенининг қурувчилари бугун икки ойлик планни бажаришди. 2 миллион 830 минг сўмликдан зиёд қурилиш ишлари бажарилди.

Мажбурият бажарилди

«БИРИНЧИ КВАРТАЛ ПЛАНИНИ ПАРТИЯ АНЖУМАНИ ОЧИЛАДИГАН КУНГА БАЖАРАМИЗ» ТАШАББУСИ БИЛАН ЧИҚҚАН ИЛҒОРЛАР ЎЗ ВАЪДАЛАРИГА ВАФО ҚИЛДИЛАР.

Ўтган йил декабрь ойининг ўрталарида, партиямизнинг бўлажак XXVI съезди муносабати билан шаҳар саноат корхоналарининг барча коллективларида ватанпарварлик ҳаракатлари кенг қулоч ёйганда шаҳар партия комитети 23 февралга қадар ўз квартал планларини бажаришга аҳд қилган бир группа коммунистлар—ишлаб чиқариш илғорларининг ташаббусини кўриб чиқиб, маъқуллаган эди. Биз зарбдор меҳнат вахтаси якунлари билан таништиш мақсадида ташаббускорлар билан суҳбатлашдик.

О. КАРПОВА, «Ташсельмаш» заводи комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи:

— Зўр ҳаяжон билан маълум қиламан... Бригада квартал топшириғини партиямиз съезди очилишига бажарди. Бу йил биз пахта териш машиналари учун белгиланган программадан ташқари юзлаб шпинделлар тайёрладик. Бу юксак суръат йил охиригача сақлаб қолинади. Чунки завод коллективи пландан ташқари 50 та пахта териш комбайни тайёрлашдек социалистик мажбурият қабул қилган.

З. ЛЕБЕДЕВА, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-моторист қизи. Меҳнат Қизил байроқ ордени кавалери:

— Шаҳар партия комитетининг бюросида ташаббус кўлланаётган вақтда «Қизил тонг» фабрикасидан биз уч ташаббускор эдик — Валентина Круглова, Сабри Эннонов ва мен. Ҳар биримиз бой иш тажрибасига эгамиз, ҳар биримиз бир неча операцияни бажариб, амалда икки киши ҳисобига меҳнат қилдик. КПСС XXVI съезди очилиши арафасида биз шахсий квартал планларимизни бажаришга аҳд қилдик. Ҳозир биз ўз ваъдамизга вафо қилганлигимизни бемалол айтишимиз мумкин. Биз ўртоқларимиз ҳақида рапорт бердик.

Т. МАКЛЕЕВА, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр-монтажчиси, СССР Олий Советининг депутати:

— Ваъдамга вафо қилганлигимдан бениҳоя хурсандман. 23 февралга қадар квартал топшириғини бажардим. Коммунист сифатида ёш ишчиларга — комсомолларга ўрнак бўлишга интилдим. Мен меҳнат қилаётган комсомол-ёшлар бригадасида шогирдларим кўпчиликни ташкил этади.

У. МУМИНОВ, абразив комбинати монокорунд цехининг бошлиғи:

— Йил бошидан бери цех 800 тонна монокорунд, шундан 50 тоннасини квартал планига қўшимча ишлаб чиқарди. Коммунист-эритувчилар Иброҳим Эргашев ва Соли Одилов, шунингдек, монокорунд бойитувчи В. Коробкова, слесарь З. Куртягья айниқса яхши меҳнат қилишди.

Бугунга қадар икки ярим ойлик планни бажарган ремонт-механика цехининг коллективи учун ҳам хурсандман.

М. КУРМАШЕВ, «Компрессор» заводи фрезерчиларининг бригадири:

— Бригада юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Бунда бизга қандай резервлар ёрдам берди? Деталларга ишлов бериш жараёнини тезлаштириш учун жиҳозлар бирмунча такомиллаштирилди. Бу бир операциядан иккинчисига тезроқ ўтиш имконини берди. Рационализаторлик таклифларини жорий этдик. Барча маҳсулотларни юксак сифатли тайёрлаб, ҳар бир деталга ўз тамғамизни қўйдик.

... Икки нафар ташаббускор — «Ташсельмаш» заводининг слесари Юрий СТЕПАНЕНКО ва В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчиси Назрулла МАННОПОВ бугун делегат сифатида партиямиз XXVI съезди ишида иштирок этишмоқда.

Н. Маннопов ва Ю. Степаненко бригадаси съезд очилиши арафасида социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ЛИБОСИ

Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-тикув цехи коллективи икки ойлик топшириқни муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Ой охирига қадар бу ерда яна уч минг дона ҳар хил бўюмлар тайёрлаб чиқаришади.

Н. Тоирова, В. Новичкова, Р. Саъдуллаева, Р. Юсупова бошлиқ бригадалар ҳам партия съездига атаб икки ойлик планни муддатидан олдин адо этишганлиги ҳақида рапорт беришди. Корхонанинг 250 илғори коммунистлар анжуманини ана шундай ютуқлар билан кутиб олмоқда.

Қардош республикалар учун

Яқинда Бутуниттифоқ «Гипровуз» институтининг шаҳримиздаги филиали коллективи қардош Қозоғистон ССРнинг Чимкент области учун Қозоғистон химия-технология институтининг технология факультети янги корпуси лойиҳасини тузишга киришган эди. 9 қаватдан иборат бўладиган мазкур илмий корпус замонавий архитектурасининг энг янги услублари асосида қурилади. Ана шу бино лойиҳасини институт филиалининг Е. Сепетий бошлиқ архитекторлар группаси яратмоқда.

Меъморлар лойиҳани ниҳоясига етказиш арафасида турибдилар. КПСС XXVI съездини янги-янги лойиҳалар яратиш билан кутиб олаётган ушбу коллектив съездлар йилида қардош республикалар учун йигирмадан ортиқ илмий марказлар, ўқув корпуслари, билим юрти бинолари лойиҳасини тайёрлаб беришни ўз зиммасига олган.

ПАРТИЯ БЎЛГАН ЖОЙДА

«Ўрок ва Болға»

иттифоқи мустаҳкам

Пахтазорлар учун комбайнлар

Заводимиз ҳовлисида тез-тез пахтакорларни учратиш мумкин. Механизаторлар машина олиб кетгани, янги техникани ишлаб чиқаришда ўргангани келишади. Улар бу машиналарда ишлаб, «оқ олтин» йиғим-теримида рекорд қўядилар. Уларнинг ҳар бири заводнинг бош конвейерида маълум вақт узель ва деталларни йиғиб, пахта комбайнининг мураккаб механизми бўйича билимга эга бўладилар. Бу билим уларга амалий ишда асқотади.

Корхонамизда механизаторлар курси кўп йиллардан бери мавжуд. Бу курсларда юзлаб дала меҳнаткашлари билим олиб кетдилар. Механизаторлар машина конструкторлар, технологлар ва бошқа мутахассислар, шунингдек энг малакали ишчилар машғулот ўтказишади. Механизатор кадрлар тайёрлашнинг муҳим халқ хўжалиги иши эканлигини билиб, завод партия комитети бу масала билан мунтазам шуғулланади.

Пахтакорлар, айниқса бизнинг тўқилган пахтани терадиган ва тозалайдиган мосламаси бўлган «ХВП — 1,8» маркали пахта териш машинамизнинг тузилишини қунт билан ўрганишади. Бу машина уларга ёқяпти. У деҳқонларнинг меҳнатини анча енгиллаштирди, ишлатиш қулай. Бу машина биз машинасозлар учун ҳам қадрли. Ғилдиракли пахта заводи деб ном олган мазкур машина цехларимизда дастлаб яратилган ўтган йилнинг кузини ҳеч биримиз унутганимиз йўқ. Бу қийин жараён бўлди. Гап шундаки, конструкторлик ҳужжатларини металлда текшириб кўриб, натижада бир қатор конструкцияларни и н г технологияга мос эмаслиги аниқланди. Чизмаларни қайта ишлаш тайёр машинани тошириш муддатларини оз қолган бир вазиятда, завод шароитида амалга оширилди.

Шу кунларда ҳар бир «Ташсельмашчи ўз эммасида катта масъулият сезди. Коммунистлар уларга бош-қош бўлишди. Жумладан, синов кунлари асбобсозлик цехининг термик участка мастери А. Приходько бошлиқ партия ташкилоти намуна кўрсатди. Чунки тайёр маҳсулот майдонида тугайдиган мураккаб технологик занжир шу ерда бошланади. Агар оддий кўланда асбобсозлар 35 тагача штамп тайёрлаган бўлса, бу кунларда улар 60 тагача штамп тайёрлашди. Уларнинг ҳар бири янги ва жуда мураккаб конструкцияда эди. Йигув ва бошқа цехларнинг коммунистлари ҳам юксак интизом, уюшқоқлик намуналарини, қийин ишлаб чиқариш масалаларини тезда ҳал этиш маҳоратини намойиш қилдилар.

Ўнинчи беш йилликда завод конвейеридан бир неча янги машина туширib олинди. Уларнинг ҳар бири пахтакорнинг қийин меҳнатини маълум даражада осонлаштиради. Жумладан, «ХВП—1,8» универсал комбайнидан ташқари, биз пахтанинг энг қимматли ингичка толали навларини терадиган «ХВН—1,2» маркали 90 ва 60 сантиметрли эгатларда пахтани табақалаб терадиган «ХВБ—1,8» ва «ХВА—1,2» маркали машиналарни ишлаб чиқардик, модернизация қилинган «ХН— 3.6М» маркали машинани янги 80 от кучли трактorга ўрнатдик. Бундан ташқари эски ва ишдан берган «14ХВ», «17ХВ» маркали машиналар ҳам ишлаб чиқарилди.

Сўнгги беш йил мобайнида «Ташсельмаш»ликлар 43.604 та машинани ишлаб чиқардилар. Буларни ишлаб чиқариш тўқкизинчи беш йилликдагига нисбатан 23 процент ўсди. Энг муҳими, давлат Сифат белгиси бўлган машиналар ишлаб чиқара бошладик. Жумладан, ҳозир биз «ХН—1,8» ва «ХВН— 1,2» маркали машиналарни фахрли беш қиррали белги билан тайёрлаяпмиз.

Мана икки йилдирки, «Ташсельмаш» бир маромда ишлаяпти. Корхона биринчи ўн кунликда қанча маҳсулот берса, учинчи ўн кунликда ҳам шунча маҳсулот бераяпти. Бунинг аҳамияти қанчалик эканини ҳар бир ишчи яхши билади: ишда асаббузарлик йўқ, ҳа-бўл, ҳа-бўл йўқ. Юксак унумли ва сифатли меҳнат қилишга ёрдам берадиган вазият юзага келтирилган.

Ўтган йили республика пахтакорлари «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштирдилар. Давлат хирмонларга тоширилган 6.237 минг тонна пахтанинг 64 проценти бизнинг машиналар ёрдамида терib олинди. Ахир бундан фахрланмай бўладими?!

Фақат бизнинг коллектив эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қолишга ўрганмаган. Бу йил машиналар ишлаб чиқаришни 500 тага кўпайтириш планлаштирилган. Бошқача қилиб айтганда, биз 9500 та машина тайёрлашимиз керак. Биз КПСС XXVI съезди шарафига олган социалистик мажбуриятимизда қўшимча 50 та машина тайёрлаш белгиланган.

Янги техника яратиш бўйича ҳам ишни давом эттирамиз. Биз 90 сантиметрли эгатлардаги пахтани терадиган «ХВН—1.2» маркали машинанинг биринчи саноат туркумини ишлаб чиқаришимиз керак. Биз бу маълум қийинчиликларни енгиб ўтишни тақозо этишини яхши биламиз. Лекин коллектив бундай қийинчиликларни биринчи бор кўриши эмас.

Яна кун тартибида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш масаласи ҳам турибди. Яқинда партия комитети мажлисида шундай қарор қилинди: ишчиларнинг малакасини ошириш ҳисобига шахсий белги билан ишлайдиганлар миқдорини оширилади, узель ва деталларни завод Сифат белгисига аттестациядан ўтказиш графигини бажариш бўйича планли иш олиб борилади, барча цехларда «Сифат экрани» ташкил этилади.

«Оқ олтин» республикамизнинг миллий ғуруридир. Йилдан йилга бу қимматли қишлоқ хўжалиги экини экиладиган майдонлар кенгаймоқда. «Ўрок ва Болға» иттифоқига содиқ бўлган биз машинасозлар эса замонавий пахта териш комбайнлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан боғлиқ бўлган проблемаларни мунтазам ҳал этаверамиз. Заводни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг икки йиллик планига мувофиқ 15 минг пахта териш машинаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган комплекс-механиза ц и я лашган йиғув цехи барпо этиш кўзда тутилади. Лекин бу бизнинг эртанги кунимиздир.

Ю. СТЕПАНЕНКО,
«Ташсельмаш» заводининг токарь-автоматчилар бригадаси бошлиғи, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, КПСС XXVI съезди делегати.



СУРАТДА: 11-«Висотстрой» трести 17-қурилиш бошқармасидаги комплекслашган бригада аъзолари М. Исроилов, Т. Олимов ва Қ. Қиятбоевлар бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, делегат Ҳамид Қорабоевга КПСС XXVI съездига жўнаб кетиши олдидан оқ йўл тилашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

БУГУН **Тошкент авиакорхонасининг коллективи, КПСС XXVI съездк шарафига олган социалистик мажбуриятини бажарганлиги ҳақидаги рапортга имзо чекди.**

Қуйидаги мақолада муваффақиятга қандай эришилганлиги, Граждан авиацияснинг ривожланиш истиқболлари ҳақида ҳикоя қилинади.

КЎМУШ ҚАНОТЛАР

Кўп минг кишилик коллективимиз ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини муваффақиятли бажариб, ўн биринчи беш йилликни ҳам яхши бошлади. Муваффақиятимизни нг омили социалистик мусобақани қизғин авж олганлиги, мураббийчиликнинг кенг йўлга қўйилганлиги, маъмурият томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрликдир. Партия ва жамоат ташкилотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини планли асосда оширишга аҳамият беришмоқда.

Раҳбарлар, авиакорхонадаги коммунистлар энг асосий эътиборни КПСС XXVI съезди шарафига коллектив қабул қилган социалистик мажбуриятнинг бажарилишига қаратишди.

Шу йилнинг бошида авиакорхонамизда партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилига якун чиқарилди, фойдаланилмаган имкониятлар синчиклаб ўрганиб чиқилди, коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжуманига муносиб кутиб олиш учун аниқ тадбирлар белгиланди. Шу мақсадда турли хизмат ва бўлинмаларда социалистик мусобақа ғолиби номини олиш учун конкурслар ўтказилди. Социалистик мусобақанинг бориши маъмурият, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг доимий диққат марказида турибди. Ўзбекистон Компартияси XX съездининг делегати В. А. Шкурин, А. М. Пуховец, Я. М. Қосимов, В. М. Лангер ва бошқа коммунистлар етакчилик қилаётган экипажларнинг ташаббуси билан корхонада ёнилғини тежаш бўйича юриш бошланди. Бундан кўзда тутилган мақсад съезд очилган кундаги барча рейсларни тежаб қолинган ёнилғи ҳисобига бажаришга эришишдан иборат эди.

Буларнинг ҳаммаси яхши натижаларга олиб келди. Коллективимиз коммунистларнинг Бутуниттифоқ анжумани шарафига олган социалистик мажбуриятини муддатидан олдин бажарди. Етти смена, ўн етти бригада, мингдан зиёд учувчи ҳозирнинг ўзидаёқ икки ойлик топшириқни уддалаб қўйди. Уч цехга Ўзбекистон Компартияси XX съезди ва КПСС XXVI съезди шарафига бошланган меҳнат беллашуви якунига кўра ибратли цех номи берилди. Йил бошидан буён 5 миллион пассажир-километр иш бажарилди. Планга қўшимча 1500 пассажир манзилга элтиб қўйилди. 50 минг сўмлик соф фойда олинди.

Тошкентлик авиаторларнинг энг асосий вазифаси «ИЛ-86» самолётига хизмат кўрсатиш бўлди. Маълумки, бу самолёт Москва—Тошкент рейси бўйича мунтазам қатнай бошлади. Авиакорхонамиздаги коммунистлар ташаббуси асосида москвалик авиаторлар билан шартнома тузилди. Кўзда тутилган асосий мақсад «ИЛ-86» самолёти трассасини намунали хизмат кўрсатиш трассасига айлантиришдир.

Ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкинки, хизмат кўрсатиш технологиясини бутунлай ўзгартиришга тўғри келган бўлишига қарамасдан, аэробусларнинг қатновида узилиш бўлаётгани йўқ. Албатта ҳаво ниҳоятда бўлутли бўлган вақтлар ҳисобга олинмайди. Ноқулай об-ҳаво шароитида хавфсизликни таъминлаш мақсадида самолётларнинг учиш вақти ўзгартирилади.

Агар «ИЛ-86» самолётининг пассажирлари салонга чиқиш учун сарф қилаётган вақт ҳақида гапирадиган бўлсак, бу вақт трубореактив самолётларига чиқиш учун сарф қилинадиган вақтдан кўп эмас. Билетларни рўйхатга олиш ишлари самолётга яқин жойда амалга оширилиши туфайли пассажирларни тўхташ жойигача, автобусда олиб боришдек хизматдан воз кечишга тўғри келди.

Ҳозир «ИЛ-86» самолёти ҳафтада тўрт марта рейса чиқмоқда. Ёз ойларида бу самолёт тез учиш билан бирга жуда шинам ва қулай. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида учаоладиган бу самолёт яқинда маҳаллий линиялар бўйлаб рейсга чиқади. Айни пайтда у линияларда пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилашга ёрдам беради.

Бугунги кунда Тошкент аэропортида жуда кўп қулайликлар яратилмоқда.

Ҳозир оналар ва болалар хоналарини кенгайтириш ишлари олиб бориляпти. Маҳаллий линияларнинг аэровокзалида янги кутиш заллари ташкил қилинди. Улардан бири Улуғ Ватан урушининг инвалидлари ва қатнашчиларига аталган.

Ҳозирги кунда Тошкент халқаро аэропорти жўнатилаётган пассажирлар миқдори бўйича мамлакатимизда учинчи ўринни эгалламоқда. Тўқимачилар КПСС XXVI съездини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан кутиб олиш иштиёқи билан банд.

Комбинатимиз фаолиятида муҳим босқич ҳисобланган ўнинчи беш йиллик йилларида янги юксак марралар сари шаҳдам одим ташланди. Ўзим ҳақимда гапирмоқчиман. Бутун беш йиллик мобайнида типовой нормадагидан икки баравар кўп, яъни тармоқ нормасидаги 1160 ўринга 2400 та урчуққа хизмат қилиб, зичлаштирилган усулда ишладим, Шунда ҳам топшириғимни муттасил ошириб бажардим, барча йиғирилган ипларни биринчи сортга топширдим. Ниҳоясида беш йилликда сакқиз йиллик нормани бажариб, планга қўшимча равишда 77 тоннага яқин йиғирилган ип ишлаб чиқардим.

Менга, айниқса шуниси қувончлики, кишилар кўплаб станокларга хизмат қилиш тимсолини ўз кўз ўнгиларида кўриб, эски нормани ортга қолдириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар ва хизмат кўрсатиш зонасини ишончли равишда кенгайтириб бордилар. Ҳозирги пайтда комбинатнинг йиғирув ишлаб чиқаришида ишлаб чиқаришлар хизмат кўрсатишнинг тармоқ зонасидан ўзган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Менинг вазифам— шахсий намуна кўрсатиб, ишда орттирган тажрибаларимни ҳамкасбларимга ўргата бориб, кўплаб станокка хизмат қилувчилар сафини янада кенгайтиришда ёрдам кўрсатишдан иборат, деб биламан. Бунинг учун тобора қулай имкониятлар яратилмоқда. Масалан, бизнинг цехимизда БД— 200— М69 маркали янги учқунсиз пневмомеханик йигирув машиналари ўрнатилмоқда. Уларда ишлаш янада қулайдир, машиналарни ишга тушириш билан бир неча технология жараёнлари қисқаради. Янги техника ўрнатилган участкаларда шаҳдам одим билан олдинга интилаётган новаторлар пайдо бўлаётганлиги бизни қувонтирмоқда.

Ўнинчи беш йиллик йилларида янги техника кўплаб эски ускуналар ўрнини эгаллади. Масалан, беш йил мобайнида комбинатимизда йигирув ишларидаги ускуналарнинг 92 проценти, тўқувчиликда эса —70 проценти янгиланди. Ўн биринчи беш йилликда бу жараён давом этаверади.

1980 йил комбинат учун алоҳида аҳамиятга эга: корхона ўз чегарасини кенгайтирди— шаҳарнинг турли районларида учта тўқувчилик филиали фойдаланишга топширилди. Буларнинг ҳар бири моҳияти жиҳатидан бир бутун фабрикага тўғри келади. Уларнинг йиллик ишлаб чиқариш қувватини 37 миллион метр газмол тўқиб чиқаришга етказиш вазифаси қўйилмоқда. Ўнинчи беш йилликда пардозлаш фабрикаси, ип фабрикасининг бўяш цехи, бош энергетика бўлимининг электр ремонт устахонаси реконструкция қилина бошлаган эди. Ҳозирги пайтда бош энергетика бўлимининг ҳамма хизматлари янги биноларга жойлашди.

Ўн биринчи беш йиллик комбинат учун янада равнақ топиш беш йиллиги бўлади. Яқин орада ишга бўяш цехининг реконструкцияси тугалланиши керак. Пардозлаш фабрикасининг бутун бошқармаси тайёр маъмурий-маи ш и й корпусга кўчиб ўтади. Пардозлаш фабрикасининг оқартириш-ишқор билан ишлов бе-

ЯНГИ ДОВОН САРИ

риш цехи қурилиши давом этади.

Бу йил Генерал Узоқов кўчасида автомат-фабрика қурилиши бошлаб юборилди. Бу фабрика замонавий ускуналар билан жиҳозланади.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши газмолларимизга бўлган ўсиб бораётган талабларни бир мунча тўлароқ қондиришда ўз аксини топади. Шу туфайли тинмай ишлагинг келади. Ҳозир мен йиллик топшириқни Улуғ Октябрининг 64 йиллигига бажариш, шахсий беш йиллик топшириғимни эса, — 1984 йил октябрда ишга тушириладиган республикамизнинг 60 йиллигига бажариш мажбуриятини олдим.

Юзлаб тўқувчилар айнан шундай мажбуриятлар қабул қилишди. Демак, ютуқлар орта боради, ўн биринчи беш йиллик топшириқларининг бажарилишига қўшиладиган ҳисса кўпаяверади. Мен совет халқи амалга оширадиган улуғвор илҳомбахш программани қабул қиладиган партиямизнинг XXVI съездига ана шундай зўр ҳиссиётуйғулар билан, қомил ишонч билан борямман.

Б. ЖУРАЕВА,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Съездга рапортдан сатрлар

Тошкент «Миконд» заводининг ёш коммунист Н. Турусмонов бошчилик қилаётган комсомол-ёшлардан иборат шлифовкачилар бригадаси «Съездолди мажбурияти бажарилди!» деб рапорт берди. Ишчи-ёшлар 1981 йил биринчи квартали планини муддатидан илгари адо этдилар.

Ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш, иш вақтини тежаш туфайли бу бригада Ленин комсомолининг КПСС XXVI съезди рапортига имзо чекиш ҳуқуқи учун курашаётган 27 та ёшлар коллективи орасида съездолди мусобақасининг пешқадами бўлди.

ЗАРБДОР КУРИЛИШ ОЛИМЛАРИ

ЕР ОСТИ ЙЎЛИ УФҚЛАРИ

Бугун КПСС XXVI съезди ўз ишини бошлаган кунда биз тошкентлик метросозлар ўнинчи беш йилликда амалга оширилган ишларга якун ясаб, ўн биринчи беш йиллик ва 1990 йилгача бўлган давр учун янги марралар белгиламоқдамиз.

Ишонч билан айтиш мумкинки, партиямиз томонидан белгиланган тадбирлар ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги арафасида Тошкент метроси тўққиз станциядан иборат биринчи линиясининг биринчи участкаси ишга туширилди. Республикамиз пойтахти аҳолиси энг қулай комфортабель шаҳар транспортига эга бўлди. Бу участка белгиланган муддатидан 13 ой илгари фойдаланишга топширилди. Тошкент метро қурилиш трестининг коллективлари ва кўплаб ёрдамчи пудратчи ташкилотларимиз мамлакатимиз ҳаётидаги бу муҳим воқеага ана шундай муваффақиятлар билан келишди. Эндиликда тошкентликлар ва шаҳримизни меҳмонлари метрополитенга жуда ўрганиб қолишди. Биз метросозлар эса ўз ишлаб чиқариш базамизни мустаҳкамлаб, бой тажриба тўпладик. Бу метронинг уч станциядан иборат иккинчи участкаси қурилишида ҳам ғоят қўл келди. Бу трасса ўтган йили муддатидан беш ой муқаддам фойдаланишга топширилди.

Тошкент метро қурилиш трести коллективи бундай ютуқларга қандай эришди?

Энг аввало, трестнинг барча меҳнат бўлинмаларида ёрдамчи пудратчи ва монтаж ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг кенг кўлоч ёйганлиги ютуқлар омили бўлди. 1978 йилнинг тўртинчи кварталидан буён коллективимиз етти марта қаторасига тармоқ ташкилотлари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиққанлиги учун СССР транспорт қурилиш министрлигининг кўчма Қизил байроғини қўлга сақлаб келмоқда. 1979 йилги республика социалистик мусобақасининг якунларига биноан ҳам Тошкент метро қурилиш трести коллективи Ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Биз яқинда ўнинчи беш йиллик натижаларига кўра яна шу мукофотни қўлга киритишга муваффақ бўлдик.

Метросозларимиз доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ҳам янги меҳнат зафарлари билан кутиб олишди. 1980 йилнинг 22 апрелида биз ўнинчи беш йиллик топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида рапорт бердик. Бу шонли сана шарафига ташкил этилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра трестимиз, унинг еттита бўлинмаси, беш участка ва етти бригадаси ҳамда 95 ишлаб чиқариш илғори Ленин юбилейи ёрлиқлари билан тақдирланди.

Коллективимизда ватанпарварлик ташаббусларининг якдиллик билан қўллаб-қувватланаётганлиги ҳам ютуқларни қўлга киритишда асосий роль ўйнамоқда. Масалан, ҳозир меҳнатга коммунистик муносабат ҳаракатида 1800 киши қатнашяпти. Свердловликларнинг кам ишчи кучи билан беш йиллик топшириқни бажариш бўйича ташаббуси кенг қувватланди. Натижада 50 та ишчи илғор бригадалардан қолоқ участкаларга ўтиб ишлади.

Ишлаб чиқаришга янги техника ва технологиянинг жорий этилаётганлиги ҳам метрополитеннинг ишга туширилаётган участкаси қурилиши муддатларини қисқартириш имконини берди. Трестимиз туннелларни блок-секция усулида қуриш бўйича прогрессив иш методини муваффақиятли ўзлаштирди. Станциялар, туннель ишшоотлари қуриш бўйича ҳам янги технология ишлаб чиқариш жараёнларини юксак даражада индустрлаштириш имкониятини туғилди. Пардоз ишларида ҳам бу борадаги янгиликлар муваффақиятли қўлланиляпти.

Бу ютуқларга 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг И. Лисий ва А. Тухинлар бошчилик қилаётган тажрибали бригадалари коллективларининг ҳиссаси катта. Улар 1980 йил топшириқларини бригада пудрати методи асосида амалга оширишди. З. Абдуллаев бошлиқ пардозчилар, В. Леонов, К. Виноградов, Л. Токарчук бошлиқ проходкачилар, Е. Коробков бошлиқ слесарь-монтажчил а р, И. Суяров бошлиқ ҳайдовчилар бригадалари ҳамда Н. Шишкин ва Н. Богоявлянская каби электр-пайвандчи ва кранчиларнинг бу ютуқларда ҳиссаси, айниқса катталиги.

Метрополитен қурилишида буюртмачи, лойиҳаловчи ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек «Ташсантехгазмонтаж», «Узпромвентиляция», «Узэлектромонтаж», трестларининг ёрдамчи-пудратчилари, «Главстройиндустрия»га қарашли 2-темир-бетон буюмлари заводи, Ғазалкент мармар комбинати, «Главтоннельметрострой»га қарашли 901-махсус қурилиш поезди ва бошқа кўплаб ташкилотлар улкан ёрдамларини аямадилар.

Ҳозир трестимизнинг асосий ишлаб чиқариш кучлари метрополитеннинг иккинчи йўналишидаги «Пахтакор» станцияси ва темир йўл вокзалини туташтирувчи 5,6 километрлик биринчи участкаси қурилишига сафарбар этилган. Бу участкада туннеллар, учта станция қурилиши тезкорлик билан амалга оширилянти. Метросозларимиз Бўржар ва Оқтепа каналлари тагидан ҳам ер ости йўли олиб ўтишяпти.

Белгиланган топшириқларни муваффақиятли уддалаш учун бизда барча шарт-шароитлар етарли. Яқинда туннелларни очиқ усулда қуришда ғоят қўл келадиган янги механизмлар олдик. Шунингдек зилзилага чидамли станциялар қуришга имкон берадиган янги механизация воситаларини жорий этяпмиз. Бунда бизга «Главстройиндустрия»нинг 2-темир-бетон буюмлари заводи коллективи амалий ёрдам бермоқда.


Эндиликда тошкентлик метросозлар эришган бой тажриба иттифоқимизнинг янги метро йўллари қурилишида ҳам қўл келмоқда. Масалан, Москва, Ленинград, Харьков шаҳарларининг метросозлари Тошкент метро қуриш трести коллективига яқиндан ёрдам кўрсатган бўлса, эндиликда биз Тбилиси метросозларига ёрдам берямиз. Яна бир группа тошкентлик метросозлар эса Арманистон пойтахтидаги ер ости йўли қурилишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу бизнинг интернационал бурчимиздир.

Бугун совет халқи ҳаётида муҳим воқеа бўлиб ўтаётган пайтда тошкентлик метросозлар коллективи номидан ишонтириб айтаманки, партиямиз белгилаган барча тадбирларни шараф билан бажарамиз. Ер ости йўллари қурилиши бўйича бизни янги истиқболлар кутмоқда.

П. СЕМЕНОВ,
Тошкент метро қурилиш трести бошқарувчиси.

* * *

Тошкент метроси шундай қурилган эди.







МУВАФФАҚИЯТ БОР, ҒАЛАБА БОР!

СЪЕЗДДАН-СЪЕЗДГАЧА

ПРОСПЕКТ ЖАМОЛИ ЎЗГАРМОҚДА

Беш йил. Катта муддат эмас. Лекин ана шу давр ичида шаҳримиз кўринишида катта ўзгаришлар бўлди. Ноёб бино ва иншоотлар кўкка бўй чўзди, янги майдонлар, хиёбонлар ва магистраллар пайдо бўлди. Бугун биз шаҳримизнинг фақат битта кўчаси ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. У бошқа кўчалар каби КПСС XXV съездидан кейинги даврда сезиларли даражада ўзгарди.

БУГУНГИ КУН

Жасорат монументи пойи ҳамиша гуллар билан тўла. Уларни келин-куёвлар, Тошкент меҳмонлари, туристлар қўйишади.

Ана шу ёдгорлик Ленин ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектлари кесишган жойда қад кўтарганлиги ҳам тасодифий эмас. Худди шу ерда совет ҳокимияти йилларида шаҳримизда рўй берган катта ўзгаришлар, айниқса ёрқин кўринib турибди. Шу жойда тор кўчалар, пахса деворли уйлар ўрнида пайдо бўлган замонавий кварталлар ва биноларнинг панорамаси очилади.

Кейинги беш йилда проспектда кўпгина янги бинолар қурилди. Улардан бири шаҳримиздаги йирик меҳмонхоналардан ҳисобланувчи «Ленинград» меҳмонхона с и д и р. Унинг 558 номери ёруғ ва шинам. Бу ерда яшовчи шаҳримиз меҳмонлари учун барча қулайликлар яратилган. Маиший хизмат корхоналари, Аэрофлот кассаси, совғалар магазини, «Союзпечать» киоскаси уларнинг хизматида. Хоҳловчилар Ленинград ресторанига ташриф буюришлари мумкин. Бу ерда меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олишади. Ана шу умумий овқатланиш корхонаси хўрандаларга юксак маданиятли хизмат кўрсатиб, КПСС XXVI съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди.

Сал нарида «Сервис» марказий транспорт агентлигининг биноси жойлашган. Кўпгина тошкентликлар уй жиҳозларини, мебелларни магазиндан ташиб берувчи ана шу маиший хизмат туридан кенг фойдаланишяпти.

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти лойиҳачиларнинг шаҳарни комплекс қайта қуриш бўйича бошлаган ишларини ёрқин акс эттиради. Бу ерда жойлашган «Марказ-13», «Марказ-14», «Марказ-15» кварталларининг аҳолиси учун барча қулайликлар яратилган. Уларнинг уйлари ёнида йирик савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари, универсам, хўжалик ва нон магазинлари, маиший хизмат кўрсатиш объектлари бор.

ИСТИҚБОЛГА БИР НАЗАР

Ўн биринчи беш йилликда проспект жамоли қандай бўлади? Биз ушбу савол билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармасининг бошлиғи С. Р. Одиловга мурожаат этдик.

— Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти Тошкентнинг энг йирик кўчаларидан бирига айланишини таъкидлаб ўтишни истайман,— дейди Собир Раҳимович.— У шаҳарни ғарбдан шарққача кесиб ўтади ва замонавий лойиҳалар асосидаги тўққиз, ўн икки ва ўн олти қаватли уйлар қурилади.

Проспект ғарб томонда Қорақамиш массивигача, шарқда эса Оҳангарон шоссесигача боради. Унинг Пушкин кўчаси билан кесишган жойида Ҳамид Олимжон майдони барпо қилинади. Яна бир майдон проспектнинг Фурқат кўчаси билан кесишган чорраҳасида пайдо бўлади.

Албатта, кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари бажарилади. Магистралнинг ўрта қисми яшил либосга бурканади, йўл четларига ноёб навли дарахт ва буталар ўтқазилади. Бир сўз билан айтганда, лойиҳачилар проспектни кенг, гўзал ва қулай қилиш учун ҳаракат қилишяпти.

— Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, — деб давом этди С. Р. Одилов, — ўн биринчи беш йилликда шаҳарни қайта қуриш планидаги бир кўриниш холос. Режалар эса анча кенг. Олти миллион квадрат метр турар жой қуриш белгиланган. Шуниси муҳимки, шаҳарни қайта қуриш ишлари комплекс олиб борилади. Уйлар билан бир қаторда мактаблар, болалар муассасалари, соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат объектлари кад кўтаради. Янги беш йиллик Тошкент бинокорлик қурилишида унинг аҳолиси учун баракали меҳнат ва дам олиш шароитини яратишда катта бир давр бўлади.

А. ХАТАМОВ.

БАЙРАМ КАЙФИЯТИ

Кўтаринки байрам кайфияти шу кунларда аниқса, яққол ҳис этилмоқда. Партия ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ҳузурида республикамиз етакчи санъат усталарининг, ижодий ҳаёлларнинг чиқишлари уюштирилмоқда.


М. Горький номли республика рус академик драма театрида Ленин мукофотининг лауреати Н. Думбадзе пъесаси асосида қўйилган «Абадийлик қонуни» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. «Ўзбекконцерт» коллективлари — республикада хизмат кўрсатган «Ялла» вокал-чолғу ансамбли, «Наво», «Ҳайтарма», «Каягим» ансамблари ва бошқа коллективлар партия съездига бағишланган махсус программаларни тайёрладилар.

Шу кунларда Тошкент манежида ўз маҳоратини намойиш этаётган Латвия цирки-нинг усталари ўз томошаларига областимизнинг Янгиўл, Бекобод ва бошқа районларидаги юқори ҳосил усталарини таклиф этмоқдалар.

Ҳаваскор артистлар ҳам съездга бағишланган бир қатор премьераларини тайёрладилар. «Дилрабо» ўзбек миллий ансамблининг коллективи Ўзбекистон ЛКСМ Қорақалпоғистон область комитетининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Қорақалпоғистоннинг, республикамизнинг бошқа область ва районларидаги жуда кўп сонли томошабинлар тошкентлик ҳаваскор артистлар санъатини қизғин олқишлар билан кутиб олдилар. Мазкур коллектив ўз ижодий сафарини КПСС XXVI съездига бағишлади. Сафар программасига қишлоқ ва шаҳар меҳнаткашлари олдида, ўқувчилар, студентлар олдида лекциялар билан чиқиш ҳам киритилган эди.

Шу кунларда кабелчилар маданият саройи, темирйўлчилар маданият саройи, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият уйида, барча район клубларида ҳамда маданият уйларида мамлакатимиз коммунистларининг анжуманига бағишланган концертлар бўлиб ўтмоқда.

«Партия — йўлбошчимиз», «Ҳаммаси инсон учун», «Тошкент ва тошкентликлар» — булар шаҳар кинолаштириш бошқармаси ташкил этган кинофестиваль мавзуларининг бир қисмигина, холос. 10 минглаб кинотомошабинлар қатор энг яхши совет фильмларини томоша қилдилар. «Ўзбекфильм» ходимларининг ижодий ҳисоботларида бўлдилар. Кинолаштириш бошқармаси КПСС XXVI съездига бағишлаган тадбирлар доирасида томошабинларга энг яхши хизмат кўрсатиш учун кўрик-конкурс ҳам ўрин олган. Ана шу конкурсга келаси ойда якун ясалади.



ТОШКЕНТДАГИ ТУРАР-ЖОЙ ВА ЖАМОАТ БИНОЛАРИНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬ ЛОЙИҲАЛАШ ЗОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИДАН РЕПОРТАЖ

ИСТИҚБОЛНИНГ ТУҒИЛИШИ

БОШ ПЛАНДАН БИР ЛАВҲА

Биз институт биносига ташриф буюришдан аввал илмий ишлар бўйича директор ўринбосари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор И. А. Мерпорт билан биргаликда шаҳримиз кўчаларини, институт меъморлари лойиҳаси асосида қад кўтарган биноларни кўздан кечирдик.

Мана қаршимизда «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг муҳташам биноси. Санъат музейи, Ўзбекистон ССР давлат банки биноси ва кўплаб экспериментал турар-жой биноларини намоён бўлди. Фақатгина метронинг «Октябрь революцияси» станциясига тушиб ўтмадик. Негаки, бу ер ости саройи барча тошкентликларга ва пойтахтимиз меҳмонларига яқиндан таниш.

— Самарқанд, Бухоро, Душанба, Ашхобод ва бошқа шаҳарларда ҳам бизнинг лойиҳаларимиз асосида меҳмонхона ва микрорайонлар, мактаблар ва болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртларининг бинолари қад кўтариб турибди, — дейди директор ўринбосари. — Ўн биринчи беш йилликда ҳам яна қанчадан-қанча шундай муҳташам бинолар қад кўтаради. Институтнинг меъморчилик устахоналари, илмий лабораториялари ва ҳисоблаш марказида келажакда қўриладиган биноларнинг лойиҳалари ҳақида гап борди. Институт меъморлари ана шу лойиҳалар ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилиб беришди:

— Мана бу осмонўпар бинони кўринг-а, — дейди институт техника бўлими бошлиғи Б. В. Фарсиян бизни макет билан таништираётиб. — Бу «148» серияли биноларнинг. Янги беш йилликда юзлаб тошкентлик оилалар мана шу янги серия асосида қурилаётган биноларда уй тўйларини ўтказишади. Бу бинода қаватлар одатдагидан юқори бўлади. унинг қурилишида металлдан ясалган тежамли фойдаланилади. Уйнинг кўпгина қисмларини завод шароитида тайёрлашга катта аҳамият берилган.

Бу макет ёнида яна бир янги бинонинг макети кўйилган бўлиб, у «148П» деб серияланган. Демак 148-сериянинг янада истиқболли варианти. Бундай биноларни республикамиз областлари марказларида, кўшни республикаларнинг пойтахтларида қад кўтаради. «149» серияли бинолар эса монолит темир-бетондан қад кўтаради. Бундай биноларнинг дастлабкиси Аҳмад Дониш кўчасида қурилади. 16 қаватли шунга ўхшаш яна бир экспериментал бино эса ҳозир монолит темир-бетондан Марказий бозор яқинида қад кўтармоқда.

Бу бинонинг қулай томони шундаки, қаватлар оралиғидаги очиқ жойларда болалар ўйнайдиган майдончалар, кўкаламзорлаштирилган жойлар бўлади. Натижада кўп қаватли бинода истиқомат қилувчи аҳоли фарзандлари ҳовлига тушиб ўйнаши шарт эмас. Бу уйнинг ҳар учала қаватида ана шундай қулай болалар майдончалари бўлади.

Институт меъморларининг иш чизмаларида ва лабораторияларида ўнлаб янги лойиҳалар дунёга келмоқда. 14 қаватли турар жой биносини лойиҳалаш ниҳоясига етказилияпти. Бу ҳам ана шу кўплаб лойиҳалар ичидаги оддий ижодий намуналаридан бўлиб, унда турар жой биносини монолит қават асосида йиғма блоклардан тузиш кўзда тутилган. Бинонинг қаватлари аввало қурилиш майдончасида монтаж қилиниб, сўнгра ўз жойига кўтариб кўйилади. Бу янги лойиҳада бинонинг зилзилага чидамлилигига жуда катта аҳамият берилган. Янги қурилиш методи туфайли бу бинода истиқомат қилувчилар умуман ер силкинишларини сезмайдилар.

Ўн биринчи беш йилликда институт коллективи янада самарали лойиҳалар ишлаб чиқишга жалб этилган. Олти ёшдан бошлаб ўқитиладиган болалар учун янги мактаблар лойиҳаси ҳам яратилмоқда. Бунда ёш болаларнинг ўқийдиган ва дам оладиган хоналари ҳам бир ўқув мактаб биносида жойлаштирилади. Институт меъморлари янги болалар боғчалари, маданият саройлари, клублар, кинотеатр ва кафе каби кўплаб биноларнинг лойиҳаларини ҳам яратишмоқда.

Янги лойиҳаларда шаҳарларда нуриладиган биноларни янада кўркам, замонавий қиёфада бўлишига катта аҳамият берилмоқда. Айни пайтда, янги беш йилликда ишга туширилади ган Сергели уйсозлик комбинати ишлаб чиқарадиган уй-жой комплектлари асосида қуриладиган янги турар жойларнинг лойиҳаси ҳам дунёга келмоқда.

Бу ишларга мувофиқ ҳолда институт олимлари лойиҳаларни такомиллаштириш, кўёш нуридан фойдаланиб иситиладиган уйлар яратиш бўйича ҳам иш олиб боришмоқда. Монтаж ишлари технологиясини, лойиҳа-смета ишларини янада такомиллаштириш, янада тежамли қуриш, кўёш тўсқич мосламалари яратиш устида иш олиб борилияпти. Амалга оширилаётган бу тадбирларнинг ҳаммаси уйларимизнинг янада кўркам, қулай, шинам ва кўп хизмат қилиши имконини беради. Демак, шаҳримиз янада гўзал бўлади.

В. ЭНКЕР.

* * *

СУРАТДА: Самарқанддаги «Интурист» меҳмонхонаси макети ёнида. Лойиҳа бош архитектори М. Воҳидов (чапдан охирги) бир группа ёш ҳамкасблари ўртасида.

Автор фотоси.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ҲАМИША ИЗЛАНИШДА

Шоҳли саналарни меҳнат совғалари билан кутиб олиш совет кишилари учун яхши анъана бўлиб қолган. ЦНИИХпром олимлари, республика пахта тозалаш саноати министрлигининг ходимлари, пахта тозалаш бўйича давлат маҳсус конструкторлик бюроси ва «Ўзбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари билан ҳамкорликда КПСС XXVI съездига ажойиб совға тайёрладилар. Кўп йиллик ижодий ҳамкорлик натижасида поток технология асосида ишлайдиган мутлақо янги пахта тозалаш заводи майдонга келди. У ўзининг техник-иқтисодий фазилатлари билан олдингиларидан катта фарқ қилади. Аввало, ихчамлиги билан ажралиб туради. Мавжуд заводлардан беш ҳисса кам ишлаб чиқариш майдонини эгаллайди.

Энг муҳими шуки, пахтани тозалашда тола сифатига зарар етмайди. Янги завод Жиззах областининг 26-совхозидаги пахта тайёрлаш пунктларидан бирида монтаж қилинди.

— Янги технологик ускуналарнинг фойдаланишга топширилиши билан биз пахта тозаловчилар учун яна бир муҳим проблема, у ҳам бўлса — ишлаб чиқаришдаги чангни юз процент ҳайдаб чиқариш масаласи ҳал этиляпти, — дейди республика пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов. — Унинг жорий этилиши хизматчилар сонини кескин камайтириш имконини беради. Агар ҳозир ишлаб турган заводларда 54 киши меҳнат қилса, янги заводда бор-йўғи битта бригада — 11—14 ходим ишлайди, холос.

Иккинчи заводнинг майдонга келиши ўзбек олимлари ва ишлаб чиқариш ходимларининг катта муваффақиятидир.

Олимлар, конструкторлар, технологлар, машинасозларнинг ғалабаси яна шу жиҳатдан характерлики, у Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига амалий жавоб бўлди.

КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов ҳисобот докладида шундай деб таъкидлаган эди: «Фан-техника тараққиёти жадаллаштирил и ш ини таъминлаш ниҳоятда муҳимдир. Принципиал янги илмий ғоялар ва техника ечимлари, кучларни халқ хўжалигининг энг муҳим йўналишларига жамлаш шу соҳадаги бош вазифалар ҳисобланади».

Кўпгина илмий коллективлар илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишни мақсад қилиб, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг актуал масалаларини ҳал этмоқдалар. Сўнгги йилларда ана шу йўналишда Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати, илмий-тадқиқот институти коллективи муайян ютуқларга эришди. Бу институт олимлари «Барака» биокатализаторини яратишди. У ипак қуртини тезроқ очириш ва ўстиришга катта ёрдам беради.

Метанолондан формальдегид олиш учун янги катализатордан фойдаланиш бир миллион сўмдан ортиқ иқтисодий самара беради. Бу катализатор пластмасса, смола ва бошқа химия маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилияпти. Институт олимлари яратган Д—49 катализатори эса Чехословакиянинг Брно шаҳридаги халқаро виставкада намойиш этилди. Унинг муаллифи кумуш медаль билан тақдирланди.

Институт олимлари полимерлар химияси бўлими ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти билан ҳамкорликда А—1 чигитини ўстириш стимуляторини яратдилар. Унинг жорий этилиши ўнлаб миллион сўмлик иқтисодий самара беради.

Ишлаб чиқаришга бошқа бир қатор самарали ишларни жорий этиш тадқиқотларнинг иқтисодий самарасини анча оширишга имконини берди. Агар 1976 йилда институт 1 сўм сарфлаб, 14 тийин фойда кўрган бўлса, ўтган йили 1 сўм 70 тийин фойда кўрди. Институт регионал масалаларни ҳал этишга жиддий эътибор бермоқда. У ичимлик сувларни тозалаш учун катализаторлар ишлаб чиқиш бўйича бош ташкилот бўлиб қолди. Бугунги кунда бу халқ хўжалигининг муҳим масалаларидан биридир.

Ўтган беш йилликда республика олимлари 670 дан зиёд перспектив илмий-тадқиқот ишларини жорий этдилар, бу эса бир ярим миллиард сўмдан зиёдроқ иқтисодий самара берди.

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси химия маҳсулотларини қадоқлаш ва ўраш ускуналари яратиш билан шуғулланадиган тажриба-конструкторлик бюросининг таклифи билан «темп» қадоқлаш линияси келтирди. Бу эса бир миллион сўмгача маблағни иқтисод қилиш имконини бермоқда. Бунда қўл меҳнати анча камайди, технологик ускуналарнинг унумдорлиги ошади.

Олимлар, рационализаторлар, ихтирочилар, ишлаб чиқариш новаторлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олар эканлар, у қабул қиладиган қарорларни бажаришда, мамлакатимизда илмий-техника тараққиётини янада ривожлантиришда актив қатнашиш иштиёқи билан тўлиб-тошмоқдалар.

И. ВОЛГИН.



Узбекистон ССР Фанлар академиясининг биорганик химия институти ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун 1980 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юксак натижалари ҳамда ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байрогига сазовор бўлди.

СУРАТЛАРДА: фармакология лабораториясининг мудири профессор С. Носиров ва кичик илмий ходим Х. Муҳаммаджонова янги биологик актив препаратларнинг бош мия биоэлектрик активлигига таъсирини ўрганишмоқда; тажриба-технология лабораториясининг катта илмий ходими техника фанлари кандидати Х. Илёсова, катта инженер А. Иброҳимов ва катта лаборант О. Логашина тадқиқот ўтказишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ОЙДИН ЙЎЛ ҚУВОНЧЛАРИ

ПАРТИЯНИНГ ОЛДИНГИ СЪЕЗДЛАРИ ДЕЛЕГАТЛАРИ ХОТИРАСИДАН

Р. НИШОНОВ, КПСС XX съезди делегати, «Ташсельмаш» заводи слесарлар бригадасининг собиқ бошлиғи, Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер.

— КПСС XX съезди делегати мандатини эҳтиётлаб сақлаб келмоқдаман. Ҳар сафар мамлакатимизда навбатдаги партия съезди бошланиши арафасида 1956 йилни эслайман. Бу сана мен учун яна шуниси билан қимматлики, съезд иш бошлаган биринчи кун — айнан 15 февралда кичик ўғлим туғилган. У ҳозир мен ишлаган «Ташсельмаш» заводида меҳнат қилмоқда.

Партия XX съездида қандай масалалар кўриб чиқилганлигини бугунги кунда ҳар бир мантаб ўқувчиси билади. Буни такрорлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Шуни таъкидлайманки, ўша йиллар ҳам мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеалар юз берган, социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида совет кишилари томонидан янги ажойиб меҳнат ютуқлари қўлга киритилган йиллар бўлди.

Заводимиз коллективи партия XX съезди арафасида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари — 1955 йил 7 ноябрда бажарганлиги тўғрисида рапорт берганлигини, 15 декабрда эса ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилганлигини худди кечагидек эслайман. Биз ўша даврда республикамиз эришган ютуққа ўзимизнинг муайян ҳиссамизни қўшганмиз. Республикамиз пахтакорлари 1956 йилда Ватанга 3 миллион тонна «оқ олтин» топширган эди.

Съезд иши якунига бағишлаб заводимизда ўтказилган кўп кишилик митинг бугун кўз ўнгимда. Ўша митингда сўзга чиққан илғор ишчилар Верченко, Тагиров, Абдуллаев ва бошқалар съезд шарафига қабул қилган мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида гапириб, машинасозларни социалистик мусобақани янада кенг кўлоч ёйдиришга, ишлаб чиқаришда янгидан янги ютуқларга эришишга даъват этдилар.

Вақт ўтиб боряпти. Ярим асрлик меҳнат стажига эгаман. Шу кунларда кексалик ғаштини сураётган бўлсам ҳам, жонажон заводим коллективи эришаётган ютуқлар мени қизиқтиради. Машинасозлар эришаётган ютуқлар мени чин қалбдан қувонтирмоқда.

Х. МУНАВАРОВА, КПСС XXII съезди делегати, 2-болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи.

— Партия съездини шоҳли меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш ҳар бир коллектив учун анъана бўлиб қолган. 1961 йилда шаҳримиз коммунистлари, барча тошкентликлар ишлаб чиқариш топшириқларини муддатидан илгари бажарилганлиги, хўжалик ва маданий қурилишда эришилган ютуқлар ҳақида съездга рапорт беришди.

Мамлакатда ўша йилларда қандай ўзгаришлар юз берди! Космосга биринчи бўлиб бизнинг Советлар мамлакатимизнинг граждани Юрий Алексеевич Гагарин парвоз қилганлигини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. Совет фани ва техникаси, саноати ва қишлоқ хўжалиги нақадар тез суръатлар билан ривожланганлигини ана шундан ҳам билса бўлади.

Партия XXII съездида қатнашиб, мен кўпгина нарсаларни яхши тассаввур этдим. Маълумки, съезд катта тарихий аҳамиятга эгадир. Ана шу съездда КПССнинг янги учинчи Программаси, Партия Устави қабул қилинди. Партиянинг: «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун!» шиори мамлакат бўйлаб кенг тарқалди ва съезддан кейинги йилларда изчиллик билан амалга оширилди. Бу шиор бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

А. АХМАНОВА, КПСС XXIII съезди делегати, «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг собиқ секретари.

— Деярли бутун ҳаётим мобайнида комсомол, кейин эса партия ишларида ишлаб келдим. Шунинг учун бўлса керакки, жонажон Коммунистик партиямизнинг олиб бораётган ишлари ва қарорлари менинг учун алоҳида қимматга эга ва тушунарлидир. Шуни очиқ айтмоқчиманки, КПССнинг XXIII съездида делегат бўлиб мамлакатни ривожлантиришнинг улуғвор планларини ишлаб чиқишда, муҳокама этишда ва тасдиқлашда ҳал қилувчи овоз билан қатнашганлигимдан ҳамон фахрланаман. Партия томонидан белгилаб берилган планларнинг амалга оширилганлиги, партия сўзи халқимизнинг тинч яратувчилик ишида ўзининг ёрқин ифодасини топганлиги, айниқса қувончлидир.

Ўз корхонамиз ҳақида икки оғиз сўз. КПСС XXIII съездидан кейинги йилларда у республикамиздаги энг илғор корхоналардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда корхонамизда икки маҳсулотнинг бири олий категорияли сифат билан тайёрлаб чиқарилмоқда. Масалан, хотин-қизлар, эркаклар ва болалар пальтоларининг 90 та яқин моделига давлат Сифат белгиси берилган. Мен нима учун сифат масаласига алоҳида эътибор бераяпман? Шунинг учун ҳамки, партиянинг 1966—1970 йилларга мўлжалланган директиваларида тикув саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, унинг сифатини ошира бориш ҳам белгиланган эди. Бу ишлаб чиқаришнинг бир томони. Лекин бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг қайси бир томонини олмайлик, унинг ривожланганлиги, такомиллашганлиги, самарадорлиги ошганлиги кўзга яққол ташланиб турибди. Ҳар бир янгиликда, ҳар бир меҳнат ютуғида бирлашма коммунистларининг қўшган катта ҳиссалари бор. Улар мусобақанинг олдинги сафида боришмоқда.

Н. АВИЛОВА, КПСС XXV съезди делегати. 1-пойафзал фабрикасининг бичувчиси.

— Ўшанда жуда ҳаяжонланган эдим. Аввалига мен қандай қилиб партия съездига делегат бўлишим мумкин, деб ишонгим ҳам келмади. Кремль Саройи, ҳарбийларнинг табриги, «Қасамёд этамиз!» сўзининг уч бор такрорланиши, ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади, афсонавий Долорес Ибаррурининг оташин нутқи, мамлакатимиз д а г и донгдор меҳнаткашларнинг сўзлари, ҳаммаҳаммаси шунинг учун ҳам абадий ёдимда сақланиб келмоқда.

Делегатлик ён дафтаримни варақлаб, съезд иш олиб борган кунлардаги ёзувларимни ўқийман: янги беш йилликда саноатнинг асосий вазифалари шундан иборатки, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини, техника даражасини, ҳар бир кишининг иш сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш керак.

Бизнинг коллективимиз шаҳримиздаги бошқа корхоналар билан бир қаторда бу вазифани муваффақиятли уддалаяпти. Ўнинчи беш йилликда корхонамиз ишлаб чиқариш цехлари янги замонавий ускуналар билан жиҳозланди, меҳнат унумдорлиги ортди. Коллективнинг кўлга киритган кўпгина ютуқларида менинг ҳам муайян ҳиссам борлигидан бехад хурсандман. Масалан, ўнинчи беш йиллик топширигини 1979 йил декабрда бажардим, беш йиллик зарбдори, бригада бошлиғи бўлдим.

Ҳамкасб ўртоқларим мени Фрунзе район Советига депутат қилиб сайлашди — бу ҳам ҳаётимда муҳим воқеа деб ҳисоблайман. Бригадамиз аъзолари КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада туриб, оширилган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари ҳам янада яхшироқ ва унумлироқ меҳнат қилишга илҳомлантирмоқда.

3 ЮШКЕНТ вечерний ЎКШОМИ

23 ФЕВРАЛЬ, 1981 й.

Бугун—Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни



Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. Бу умумхалқ байрамини Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги мўваффақиятларни қўлга киритиш билан кутиб олишди. Съезд бошланиши арафасида туркистонлик жангчилар эришган социалистик мажбуриятларининг бажарганликлари ҳақида рапорт беришди.

СУРАТДА: жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, оддий жангчи Шамсиддин Мирзаев. У съездолди социалистик мусобақасида голиб чиқди.

А. Асанов фотоси.

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

Ҳурматга лойиқ

1941 йилнинг август ойида Ноил Абубакиров Ўрта Осиё Давлат университетини битирганлиги ҳақидаги дипломни қўлига олди. Ҳамма жойда шов-шув. Замон нотинч эди. Мамлакатимиз халқлари муқаддас жангга отланишганди. Хиёнаткорона ҳужум қилган немис-фашист газандаларини яксон қилиш уларнинг эзгу истаклари эди. Шундай бир пайтда тинч туриб бўладими. Йўқ албатта. Ноил ҳам кўнгиллилар сафида фронтга жўнади. Дастлаб Харьковдаги жангларда қатнашди. Кейин тарихда қолган Сталинград мудофаачиларининг сафида бўлди. Днепр ва Днестр дарёларини кесиб ўтишда мардлик намунасини кўрсатди.

Ҳали кўп тажрибага эга бўлмаган жангчи аста-секин ҳарбий санъат сирларини ўрганиб, унвони ҳам кўтарила борди. У Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия ва Австрия мамлакатларини фашистлар асоратидан озод қилишда фаол қатнашди.

Ноил Абубакиров уруш йилларида пулемётчилар взводининг командири лавозимида ўқчи корпус штаби бошлигининг ўринбосари, гвардиячи подполковник даражасигача бўлган жанговар ва машаққатли йўлни босиб ўтди.

Кўрсатилган жасорат муносиб тақдирланди. У топшириқларни қаҳрамонлик билан бажарганлиги учун «Қизил Байроқ», иккинчи даражали Богдан Хмельницкий, биринчи ва иккинчи даражали «Ватан уруши» орденлари ва жуда кўп медаллар билан тақдирланди. Олимнинг кўксига тақиб юрган орденлари қаторида Югославия Социалистик Федератив Республикасининг «Партизан юлдузи» ордени ҳам бор. У бу мукофотга шу мамлакатни озод қилиш учун олиб борилган ҳаракатда актив қатнашганлиги учун сазовор бўлган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, химия фанлари доктори, профессор, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Ноил Қодирович Абубакиров ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли, усимлик моддалари химияси институтида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишламоқда. Коллектив аъзолари таниқли олимни Ватанимиз озодлиги учун жасорат кўрсатиб жанг қилган киши сифатида ҳам ҳурмат қилишади.

Ҳар йили Ноил Қодирович Абубакиров Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунида подкодошларидан, ҳарбий комиссариатлардан, мактаблардан кўплаб хатлар олади. Бу хатларда қуйидаги жумлаларни ўқиш мумкин: «Ҳурматли Ноил Қодирович! Сизни Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти куни билан табриклаймиз. Бу ҳақиқий маънода Сизнинг ҳам байрамингиздир. Чунки Сиз Улуғ Ватан уруши йилларида қон кечиб, ҳаётингизни хавф остида қолдириб мамлакатимиз мустақиллиги учун курашгансиз».

Биз ҳам ана шу фикрларга қўшиламиз.

Т. МАҲМУДОВ.

ЛЕНИНЧИ КУРСАНТЛАР ҲУЗУРИДА

РЕПОРТАЖ

Биз Қизил Байроқли Қизил Юлдуз орденли В. И. Ленин номидаги Тошкент умумқўшин командирлари билим юртининг Ленин стипендиати Владимир Золотухин билан бундан икки йил олдин учрашган эдик.

— Ўқиш бошланиши биланоқ мен ўзимга маъқул касбни танлаганлигимга ишонч ҳосил қилдим. Болалик йилларимдаёқ ҳарбий киши бўлишни орзу қилган эдим. Ўнинчи синфни битирганимдан кейин умумқўшин командирлари билим юртига ўқишга кирдим. Бундан ниҳоятда хурсанд эдим,— дея ҳикоя қилди курсант В. Золотухин.— Ҳали ўқишга кирмасимдан буюк рус саркардаси Суворовнинг «Машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади» деган таълимотини билар эдим. Шунга қарамасдан билим, юртига келганимдан кейин бу сўзларнинг моҳиятини янада чуқурроқ тушундим. Ҳарбий касб сирларини ўрганишни осон деб бўлмайди. Менга ҳамиша юқори курс курсантлари, командирлар ёрдам бериб туришди. Шу боисдан ҳам қийинчиликларни дадил бартараф этиб бордим. Билим юртини тугатганимдан кейин мени ишга юборишди. Орадан кўп ўтмасдан кўмондонликнинг буйруғига биноан яна билим юртига қайтдим. Ҳозир комсомол ишлари бўйича сиёсий бўлим бошлигининг ўринбосари вазифасини бажармоқдаман.

Кейинги вақтда билим юрти ҳаётида жуда катта ўзгаришлар бўлди. Владимир Золотухин бизга курсантларнинг ўзлари ремонт қилган клубни кўрсатди. Курсантлар шунингдек, ўз кучлари билан янги ошхона, ёшлар кафесини қуришди. Билим юрти тарихи музейи ҳаммасининг фахри ҳисобланади. У янги экспонатлар билан бойиб бормоқда. Музей материаллари билим юрти курсантларининг кўрсатган жасоратларини кўз олдингизда жонлантиради.

...1918 йилнинг 22 сентябрида Туркистон контрреволюцияга қарши жанговар қуроллар олиб борганлиги учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан билим юртининг фаолияти вақт талабига кўра қайтадан тузилди, уруш йилларида бу ерда 25 марта битириш маросими ўтказилди. Бир неча минг офицер фронтга жўнаб кетди. 1941 йилнинг 7 ноябрида Тошкентдаги асосий майдонда бўлган ҳарбий парадни ҳали кўп кишилар эсларидан чиқарганлари йўқ. Бу парадда ленинчи курсантлар ҳам иштирок этишди. Уларнинг кўпларига қўлларига қурол олиб Ватанни ҳимоя қилишга жўнаб кетдилар.

1943 йилда ҳаракатдаги армия учун командирлар тайёрлашдаги хизматлари ҳисобга олиниб, билим юртига Қизил Юлдуз ордени берилди. Умумқўшин командирлари билим юртининг битирувчилари қайси фронтда жанг қилсалар, ўша ерда Ленинчи курсант номини шараф билан оқлашди. Билим юртининг 46 битирувчиси Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Ҳозирги курсантлар кекса авлоднинг анъаналарини дадил давом эттиришмоқда. Бу ерда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди. Бир неча кун олдин курсантлар қишки имтиҳон сессиясини якунлашди. Ленин стипендиати А. Демин, С. Постовой, Ленин комсомоли степендиати С. Васьков, ўқув аълочиси бўлган комсомоллар С. Вихристик, А. Николаев, С. Курдюк, А. Шигин, О. Ореховлар сафдошларига намуна кўрсатишди.

Билим юртида ўтказилган Бутуниттифоқ комсомол ишлари эстафетаси кунларида ёшларни революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш ишлари янада активлашди. Билим юрти комсомол ташкилотлари Тошкент шаҳридаги ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам катта ҳисса қўшишмоқда. Курсантлар 39-ўрта мактаб, етти ҳунар-техника билим юрти, икки техникум ўқувчиларига оталиқ ёрдами кўрсатишяпти. Билим юртида ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик мактаби муваффақият билан ишлаб турибди. Бу мактабдаги машғулотларни битирувчи курсантларнинг курсантлари олиб боришмоқда. Ёшлар бу ерда ҳарбий санъат бўйича тушунчага эга бўлишмоқда. Бу тушунча кейинчалик уларга қўл келяпти. Билим юртининг комсомоллари Бутуниттифоқ «Зарница» ўйинларини ўтказишга катта ёрдам беришяпти.

Қисқаси, ленинчи курсантлар КПСС XXVI съезди, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини ўқишда, жанговар ва сиёсий тайёргарликда юксак кўрсаткичлар билан кутиб олишмоқда.

А. УЛИЧКИН.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ВЕТЕРАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Жасурлик ва қаҳрамонлик

Улуғ Ватан уруши бошланганида Геннадий Федорович Каракулов анча фронт тажрибасига эга эди. 7-алоҳида полк составида у Фин уруши жабҳаларида иштирок этганди. Жанговар топшириқларни бажаришда кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланганди.

197-дивизиянинг 163-алоҳида полки разведка взводи командирининг ўринбосари бўлган Каракулов немис-фашист босқинчиларига Великий Луки яқинида дуч келди.

Разведкачи Каракулов умуман омадли одам эди. У душманнинг орқасига ўтганида жуда кам ҳолларда «тил» ушламасдан келарди. Жасурлик, совуққонлик, босиқлик, одамларни ўз орқасидан эргаштира билиш; айни пайтда ҳушёқчақлик, қалбида борини тўкиб солиш — сержант Каракуловнинг энг яхши ҳислатларидан эди. Худди шу ҳислатлари учун уни разведкачилар ҳурмат қилишарди ва севишарди.

Геннадий Федорович фронт чизиғини неча марта кесиб ўтганлигини ҳисоблаб чиқиш жуда қийин. У бу вазифани душманнинг кучлари тўпланган марказда кутилмаганда говга чиқариш ва рақиб офицерини тутиб олиш ниятида бажарар эди. Великий Луки яқинида бўлган жангларда кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги, муҳим ҳужжатларни қўлга киритганлиги учун у «Жасорати учун» медали ва биринчи даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирланди.

Геннадий Федоровичнинг уруш йилларидаги фаолиятида Белоруссиядаги Березовка поселкаси учун бўлган жанг алоҳида аҳамиятга эга. Бу нисбатан кичик қишлоқда душман жуда кўп куч ва техника жамлаган, уларнинг олдига совет қўшинларининг ҳужумини қайтариш ва қарши ҳужумга ўтиш вазифаси қўйилган эди.

Разведкачи Каракулов ҳужум бошлаган солдатларнинг сафида бўлди. Кучли мудофаага эга бўлган фашистлар қисмларимизнинг шиддатли ҳужумларини пулемет ва миномётдан ўт очиш билан қайтариб туришарди. Шундай қилиб ҳужум тўхтаб қолди.

Худди шу пайт ён томондаги ўрмондан душман танклари кўринди. Ҳандақлардан бирида яхши яшириниб олган сержант Каракулов қарши ҳужумга отланган душман пиёдаларини аниқ нишонга олаётган эди. Ниҳоятда берилиб кетган Геннадий ўнг томондан душманнинг танки ўтиб кетганлигини кўрмай қолди. У бир зумда солдатлар жойлашиб олган ҳандақларни яксон қила бошлади.

Жасур солдатга танкка қарши ишлатиладиган гранатани ҳозирлаш ва уни душман «тигр»ининг остига ташлашга бир неча секунд кифоя қилди. Танк ўз инерцияси бўйича бир неча метр юриб борди ва бирдан тўхтаб қолди.

Бу жангда Геннадий Федорович Каракулов иккита душман танки ва 200 га яқин жангчисини сафдан чиқарди. Кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун II даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди.

Ҳозир жасур разведкачи социалистик мулкни ҳимоя қилишда қатнашмоқда. У «Таштекстильмаш» заводида ишлаяпти. Қисқа қилиб айтганда, у тинч меҳнат йилларида ҳам ўз жанговор постини тарк этгани йўқ.

А. ГРЕКОВ.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

КПСС XXVI СЪЕЗДИГА БАҒИШЛАНАДИ

23 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

К. ЯШИН, М. МУҲАМЕДОВ асарн. Р. ГЛИЭР Т. СОДИҚОВ. Т. ЖАЛИЛОВ музикаси

«ГУЛСАРА»

(2 пардали музикали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист БАХТИЁР ИХТИЁРОВ.
Режиссёр — Н. САИДХОНОВ.
Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. ХАЛИЛОВ.
Рассом — А. ЖАБОЕДОВ.
Балетмейстерлар — Ш. АҲМЕДОВ, Х. АЗИМОВА.
Хормейстер — Қ. САЪДУЛЛАЕВ.
Концертмейстер — М. ФУРМАН.
Консультант— Ўзбекистон ССР халқ артисти М. ЮНУСОВ.

Режиссёр ёрдамчиси— Р. МУҲИДДИНОВА.

БОШ РОЛЛАРДА:

Иброҳим— Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР Ҳамза номидаги давлат мукофотининг лауреати ҲАМЗА УМАРОВ.
Ойсара— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист НАИМА ПЎЛАТОВА.
Гулсара— АЗИЗА КАРИМОВА.
Асалхон— МУНОЖАТ ТОШМАТОВА.
Қодиржон— МЕҲМОНАЛИ САЛИМОВ.

Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Қизил Байроқли 37-гвардия ўқчи дивизиясида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал Собир Раҳимов билан бирга хизмат қилган қуролдошларга

МУРОЖААТ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги Ўзбекистон 50 йиллиги номли кўчада

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ, ГЕНЕРАЛ СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ МАЙДОН, МУЗЕЙ ВА ЁДГОРЛИК ҚУРИЛМОҚДА.

Собир Раҳимов номли музей ходимларига фотосуратлар, хатлар шахсий буюмлар, унинг ҳаёти ва хизмати билан боғлиқ бўлган газета-журнал қирқимлари тўплашда ёрдам беришингизни сўраймиз.

Фотосурат ва ҳужжатларда ўз фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исмини, суратга тушилган вақт, йил, ой, кун ва жой ҳамда бошқа ўзингиз биладиган маълумотларни ёзиб юборсангиз яхши бўларди.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700069, Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 270-уй, 7-хона, «Собир Раҳимов район ижроия комитети. Телефонлар: 48-02-50, 48-38-40.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

23 февралда

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ҲИСОБ НУҚТАСИ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРДИ



РОЛЛАРДА: Николай КОЧЕГАРОВ, Валерий ПОЛЕТАЕВ, Василий ПЕТРЕНКО, Юрий ДЕМИЧ, Лидия КОНСТАНТИНОВА, Петр ЮРЧЕНКОВ.

«Ҳисоб нуқтаси» номли янги картинанинг қаҳрамонлари— десантчилар. Улар ҳар қандай ишни қила билишлари керак: вездеходни ва танкни бошқара билишлари, парашютдан сакрай билишлари ва баланддан сувга сакрашлари, шапалоқ билан уриб соқчини ағдаришлари ва қуролнинг ҳамма турларидан аниқ ота билишлари керак. Десантчилар — алоҳида қўшин тури бўлиб, унда хизмат қилиш ҳар бир ёш йигит учун шарафлидир.

Мана шулардан бири — Валя Воронов. У маҳаллий безори болаларга бошчилик қилишга ўрганиб қолган. Воронов доимо биринчи бўлиш, бўлимга командирлик қилиш ниятида эканлигини ўртоқларидан яширмайди. Ўз мақсадига эришади. Лекин у илгаригидек «менга ҳамма нарсага рухсат берилган» принципи асосида, муштумининг кучига ишониб яшашни давом эттиради. Ниҳоят биз Вороновнинг руҳий ва аҳлоқий ҳалокатга учраганлигининг, ўртоқларига нисбатан муносабатда агрессив ва қаттиққўл бўлганлиги учун ҳалокатга учраганлигининг гувоҳи бўламиз.

Фильм авторлари тарбияланиши «қийин» деб номланган ёшларни қайта тарбиялаш масаласини ўз олдиларига мақсад қилиб қўйиб, ёшлар коллективи умуман маънавий соғлом муҳит туфайли бундай проблемаларни ўзлари ҳал этишга қодирдирлар, деб тасдиқлайдилар.

«Ҳисоб нуқтаси» фильми сценарийсини таниқли совет кинодраматурги, Ленин мукофоти лауреати Валентин Ежов ёш драматург, Владимир Акимов билан ҳамкорликда ёзган. Сценарий Совет Армиясига бағишлаб ўтказилган киносценарийлар Бутуниттифоқ конкурсининг биринчи мукофотига сазовор бўлган. Фильм Виктор Туров томонидан яратилган.

Картинада Владимир Висоцкий томонидан ёзилган кўпгина ашулалар бор.

«БЕЛОРУСЬФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/II да Олтин девор (19.30), 24/II да Кузнинг биринчи куни.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/II да Гулсара.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/II да Отилмаган ўқ (19.00), 24/II да Мукофот (19.00).

КИНО

23 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДЕНГИЗ ОФИЦЕРЛАРИ»— Қозогистон.

«КОНЦЕРТГА ИЎЛ» — Фестиваль.

«ҲАРБИЙ ҚЎШИҚНИ ЭСЛАБ» — Восток.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎТА МУҲИМ ТОПШИРИҚ»— Санъат саройи (катта зал, 19.00, телефон 44-39-51), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (19.00, телефон 33-44-52), Қозогистон (17, 18.00, телефон 35-24-92), Кўнча (17, 20.00 телефон 46-23-16), Нукус (18.30, 20.45, телефон 46-70-69), Тинчлик (18.30, 21.00, телефон 53-86-07), Дружба (18, 20.30, телефон 66-15-75), К. Ерматов номли (17, 18.20, 20.45, телефон 24-66-22), Чайка (18, 21.00, телефон 77-06-20), Восток (17.30, 20.30, телефон 91-14-61).

«ҲИСОБ НУҚТАСИ»— Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-07), Дружба (17, 19, 21.00), телефон 66-15-75).

«ГЕНЕРАЛ ШУБНИКОВ КОРПУСИ»— К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ»— Ғ. Ғулом номли (тоқ соатларда, телефон 48-42-80), Искра (телефон 39-14-59).

«ПЕТРОВКА КЎЧАСИ, 38-УЙ», «ОГАРЕВ КЎЧАСИ, 6-УЙ»— Қозогистон (20, 21.00), Санъат саройи (кичик зал, 17, 20.00).

«ЎТГАН КУНЛАР КОМЕДИЯСИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

24 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДЕНГИЗ ОФИЦЕРЛАРИ»— Қозогистон.

«БОЛАЛАР ВА ҲАЙВОНЧАЛАР» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.

«КОНЦЕРТГА ИЎЛ» — Фестиваль.

«ҲАРБИЙ ҚЎШИҚНИ ЭСЛАБ»— Восток.

«СОЦИАЛИЗМ ДУНЕСИ» — ВЛКСМ 30 йиллиги номли.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎТА МУҲИМ ТОПШИРИҚ»— Санъат саройи (катта зал, 19.00, телефон 44-39-51), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (19.00, телефон 33-44-52), Қозогистон (17, 18.00, телефон 35-24-92), Кўнча (17, 20.00, телефон 46-23-16), Нукус (18.30, 20.45, телефон 46-70-69), Тинчлик (18.30, 21.00, телефон 53-86-07), Дружба (18, 20.30, телефон 66-15-75), К. Ерматов номли (17, 18.20, 20.45, телефон 24-66-22), Чайка (18, 21.00, телефон 77-06-20), Восток (17.30, 20.30, телефон 91-14-61).

«ҲИСОБ НУҚТАСИ»— Лисунов номли (тоқ соатларда, телефон 96-34-02), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон 53-65-07), Дружба (17, 19, 21.00), телефон 66-15-75).

«ГЕНЕРАЛ ШУБНИКОВ КОРПУСИ»— К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ»— Ғ. Ғулом номли (тоқ соатларда, телефон 48-42-80), Искра (телефон 39-14-59).

«ПЕТРОВКА КЎЧАСИ, 38-УЙ», «ОГАРЕВ КЎЧАСИ, 6-УЙ»— Қозогистон (20, 21.00), Санъат саройи (кичик зал, 17, 20.00).

«ЎТГАН КУНЛАР КОМЕДИЯСИ» —ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ

«СКАЗКА ЗА СКАЗКОЙ» обуна нашри грампластинкаларининг обуначиларига

«ЎЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК»,
«ШОҲ СУЛТОН ҲАҚИДА ЭРТАК»,
«ДЮЙМЧАҲОН»
грампластинкалари

САВДОГА ЧИҚАРИЛГАНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Магазин соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Тошкент Давлат циркида февраль ва май ойларида

ЯҚШАНБА КУНЛАРИ

соат 10.00 да

ҚЎШИМЧА

ЦИРК ТОМОШАЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 4-минерал сувлар заводига тара олиш учун берилган 16427, 16520, 17438, 18560, 18561 номерли йўлқолган

ҚАБУЛ КВИТАНЦИЯЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор райпишчеторгига қарашли 12-магазининг йўлқолган

ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

23 ФЕВРАЛЬ — ДУШАНБА

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИ

СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.30 «Офицерлар». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 23.00 М. Глинка асарларидан концерт. 23.15 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. «Зенит» (Ленинград) — «Торпедо» (Кутаиси). Ленинграддан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45). — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Бугун— Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни». Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи штабининг бошлиги, генерал-лейтенант Г. Ф. Кривошеев сўзи. Туркистон Ҳарбий округи ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг Д. Зокиров раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу оркестри ва солистлари иштирокида Ленин, партия, Ватан ҳақида қўшиқлар. 21.30 Москва. «Время». 23.00 «Куйла, Ўзбекистон». Концерт. 23.55 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Болочаевлалик болалар» (рус.). 19.05 «Ёш куч». Мактаб ўқувчилари учун спорт кўрсатуви. 19.40 «Партия турмуши». «Коммунистлар социалистик мусобақа байроқдорлари». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Келажак томон қўприклар». Телефильм. 20.40 «Таниганларни қасамёд қиламан». Телефильм. 21.05 Абитуриентлар учун. Математика.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-60; саноат— 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ— 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар—33-29-70; вилоятлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

23 ФЕВРАЛЬ, 1981 й. Р—07081. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. В—2055. 12